Бутун дунё пролетарлари, бирлашинг!

КПСС XXVI СЪЕЗДИ ҚАРОРЛАРИНИ АМАЛГА ОШИРАМИЗ

Қишлоқ ҳақиқати

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг газетаси

ГАЗЕТА 1974 ИИЛ 1 ЯНВАРДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

29 ИЮЛЬ, 1982 ИИЛ. ПАЙШАНБА № 173 (2.579). Баҳоси 3 тийин.

СССР ИТТИФОҚИГА ЗАРБДОР ҲАФТАЛИКЛАР

СССРнинг шонли 60 йиллиги шарафига ўтказилаётган зарбдор ҳафталикларнинг 26-июлдан бошланган ўттиз саккизинчиси транспорт ходимларига бағишланади.

Республикамиз транспорт ходимлари, барча меҳнаткашлари зарбдор ҳафталикда ғайрат-шижоат билан ишламоқдалар.

ҲОСИЛНИ ЙИҒИБ ОЛАЙЛИК, АВАЙЛАБ САҚЛАЙЛИК, ҚАЙТА ИШЛАЙЛИК

Ёз ва куз фасли инсон учун ерда етиштирилган ҳосилни йиғиштириб олиш палласи. Дон, сабзавот ва мевалардан мўл ҳосил етиштириш — вазифанинг биринчи қисмидир, холос. «Озиқ-овқат проблемасини ҳал этишни олга силжитиш учун, — деб таъкидлади ўртоқ Л. И. Брежнев КПСС Марказий Комитетининг 1982 йил май Пленумида, — қишлоқ хўжалик маҳсулоти истеъмолчига етиб борадиган бутун занжирининг ҳамма халқаларига эътиборни кучайтириш зарур».

Қайта ишлаб берувчи саноат бу занжирдаги муҳим халқадир. Бу саноат дондан турли маҳсулотларни, ўсимлик ва мол ёғи, қанд ва чой, баиқ ва мева-сабзавот консервалари ва бошқа кўп маҳсулотларни тайёрлаши лозим бўлган кўп тармоқларни ўз ичига олади. Мамлакатда ишлаб чиқарилаётган ҳамма озиқ-овқат маҳсулотларининг қарийб бешдан икки қисми гўшт ва сут саноати ҳиссасига тўғри келади. Қишлоқ хўжалик хом ашёсини ўз вақтида, комплекс тарзда қайта ишлаб бериш жуда катта аҳамиятга эгадир. Бунинг боиси шуки, бу чора куч ва маблағни камроқ сарф қилган ҳолда озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқаришни кўпайтириш, деҳқонлар ва чорвадорларнинг меҳнати билан яратилган ҳамма нарсадан тўлароқ фойдаланиш имконини беради.

КПСС Марказий Комитетининг 1965 йил март Пленумидан кейинги даврда қишлоқ хўжалик хом ашёсини қайта ишловчи барча тармоқлар кенг ривожланди. Гўшт, сут саноатида 1.000 га яқин корхона ишга туширилди ва 1.200 дан ортиқ гўшт комбинати ҳамда сут заводлари реконструкция қилинди. Шу даврнинг ўзида бу соҳанинг асосий ишлаб чиқариш фондлари уч баравардан зиёд ортди. Озиқ-овқат саноат корхоналарида хом ашёни, шу жумладан, қанд лавлаги, мой берадиган уруғликни, узум, чойни қайта ишлаш имкониятлари кенгайди. Мамлакатнинг мева-сабзавот хўжалиги бу йилги мавсум бошланишига қадар ўз қувватларини оширди. Вужудга келтирилган база унинг олти миллион тонна мева, сабзавот ва узумни қайта ишлаши, ҳар йили тўққиз миллиард банкадан ортиқ мева-сабзавот консервалари ишлаб чиқариш имконини беради. Бу тармоқ шу йилги хом ашёдан фойдаланишга киришди. Заводлар кўк нўхотдан консерва тайёрламоқдалар, Ўрта Осиё ва Закавказье республикаларида, Украина ва Молдавияда гилос, ўрик, бошқа мева ва резавор мевалардан мазали маҳсулот тайёрламоқдалар.

Шу билан бирга, КПСС Марказий Комитетининг май Пленумида таъкидлаб ўтилганидек, агросаноат комплекси тармоқларини ривожлантириш бир қанча жойларда қишлоқ хўжалик хом ашёсини тайёрлашнинг ортиб бораётган ҳажмларига мос бўлиб тушмаяпти. Картошка, сабзавот, мева даладан истеъмолчига етказилгунча йўлда кўп нобуд бўлмоқда. Янги корхоналар ва хом ашё сақланадиган базалар эса сўст қурилмоқда. Бир қанча трестлар ўзлаштирилган маблағларнинг ҳажмларига зўр эътибор бериб, кичик объектлар иккинчи даражали аҳамиятга молик деб ҳисоблайдилар. Брест, Глухов, Стрийда гўшт комбинатлари, Новосибирск ва Ростов областларида пишлоқ тайёрловчи заводлар, Усть-Каменогорск ва Гурьевда сут заводларини қураётган бинокорлар бу йил жуда ҳам орқада қолдилар.

Ҳозирги пайтда мамлакатнинг бир қанча республикалари ва областларида қанд лавлагидан яхши ҳосил олиниши кутилмоқда. Аммо қанд ишлаб чиқариш учун керакли қувватлар етишмаётир. Бу ҳол Бошқирдистонда, Воронеж, Винница, Тернополь областларида жуда яққол сезилмоқда. Озарбайжонда, Доғистонда, Херсон ва Одесса областларида узумни, Грузияда чойни қайта ишлаб берувчи корхоналарни тезроқ ривожлантириш зарур. Май Пленумида агросаноат комплекси ишлоотлари мамлакатнинг зарбдор қурилишлари деб аталди. Бу қурилишларга муносабатни тубдан ўзгартириш талаб этилади.

Ишлаб турган корхоналарни реконструкция қилиш ва техника билан қайта қуроллантириш туфайли мева-сабзавот консервалари ишлаб чиқаришни шу йилнинг ўзидаёқ кўпроқ ошириш планлаштирилмоқда. Жумладан, томат пастаси ва мева шарбати тайёрловчи ғоят унумли ишлайдиган линияларни тезроқ ремонт қилиш зарур. Бу эса шу йилги ҳосилни ҳеч нобуд қилмай қайта ишлаб бериш имкониятини туғдиради. Бизда энг оддий усуллар билан, қуритиш, тузлаш йўли билан тайёрланган мева-сабзаватни, ўрмон неъматларини яхши кўришади. Масалан, бир тонна меванн қоқи қилинган вақтда сарфлар консерва қилишдагига қараганда икки баравар кам бўлгани учун ҳам бунга эътибор бериш керак. Бинобарин, Мева-сабзавот хўжалиги министрлиги хом ашёни қайта ишлашнинг аньана бўлиб қолган методларига ҳам кўпроқ эътибор бериши лозим.

Машинасозлар қайта ишлаб берувчи заводларни замонавий машина-ускуналар билан таъминлашда ёрдам беришлари керак. Енгил ва озиқ-овқат саноати машинасозлиги ва рўзғор асбоблари министрлигининг корхоналари кейинги йилларда бу техникани вужудга келтириш ва такомиллаштириш учун кўп иш қилдилар. Аммо эришилган ютуқлар билан қаноатланиб бўлмайди. Шу тармоқдаги корхоналар меҳнат унумдорлигини кескин равишда ошириш, чорва хом ашёсини кам чиқитли ва чиқитсиз қайта ишлаб берадиган усулларни жорий этиш, сабзаватни сақлаш вақтида унинг нобуд бўлишини камайтириш имкониятини туғдирадиган поток линиялар, машина-ускуналарнинг комплексларини кўплаб ишлаб чиқаришни тезроқ йўлга қўйишлари лозим. Бу — озиқ-овқат маҳсулотларининг ғоят сифатли бўлишини таъминлашга, уларнинг хилларини кўпайтиришга ёрдам беради. Жумладан, парранда гўштини қайта ишлаш, колбаса ва гўшт масаллиқларни, болалар овқатини, тез музлайдиган сабзавот ва меваларни, пишлоқ ва қуруқ озуқани тайёрлаш учун ғоят унумли ишлайдиган линияларни кўпроқ етказиб бериш керак.

Агросаноат комплекси составида колхозлар ва совхозлардан ташқари индустриянинг неча ўнлаб тармоқлари, минг-минглаб корхоналар бор. Буларда миллион-миллионлаб кишн ишлайди. Уюшқоқлик, интизом ва ҳар бир кишининг топшириқлари иш учун жавобгарлиги нақадар юқори бўлса, меҳнат ҳам шу қадар самоқли бўлади. Министрликлар ва қайта ишлаб берувчи саноат корхоналари, шунингдек индустрия турдош тармоқларидаги партия ташкилотлари ишлаб чиқаришни жадал ривожлантириш, ишлаб турган қувватлардан самарали фойдаланиш ва бунинг натижасида шу мавсумдаёқ қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг нобуд бўлишига барҳам бериш йўлини қатъият билан амалга оширишлари лозим.

Етиштирилган ҳамма нарсани авайлаб сақлаш, қайта ишлаш ва харидорга етказиб бериш зарур. Бу соҳада ҳар қандай тажриба, ҳар қандай яхши ташаббус жуда муҳим аҳамиятга эгадир. Бундай тажриба ва ташаббуслар тобора кўпаймоқда. Масалан, Тирасполдаги қуйиш машиналари заводининг коллективи бошқа корхоналар билан биргаликда аралаш томат маҳсулотларини ишлаб чиқарувчи ўттизга яқин машина-ускуна яратди. Бу эса помидорнинг нобуд бўлишини ғоят камайтириш, неча миллионлаб маблағни тежаш имконини берди. Энг яхши тажрибани мумкин қадар кенг ёйиш ва шу мавсумнинг ўзидаёқ далалар ва фермаларнинг маҳсулотидан тўла фойдаланиш — мамлакатдаги агросаноат комплекси партия ташкилотларининг, барча меҳнат коллективларининг шарафли ишидир.

(«Правда»нинг 28 июлдаги бош мақоласи).

Қува районидаги «Коммунизм» колхозининг У. Рўзиматов бошлиқ бригадаси пахтакорлари юбилей йилида ҳосилдорликни 50 центнерга етказиш учун астойдил ҳаракат қиляптилар. Уларнинг фидокорона меҳнати натижасида ғўзалар бўлиқ ва серҳосил бўлиб ўсмоқда. Тожикистонлик пахтакорларнинг вакиллари бригада далаларида бўлганларида юксак мажбуриятга яраша ҳосил тўпланаётганлигини мамнуият билан қайд қилиб ўтдилар.

Суратда: мусобақадош Тожикистон пахтакорларининг ўзаро текшириш бригадаси аъзолари хўжалик пахтазорларида.

Н. Алимов фотоси (ЎзТАГ).

*

Ўзбекистон маккажўхорикорлари бу йил 2 миллион тонна «каҳрабо дон» етиштириш ниқида меҳнат қилишяпти. Ҳозир ҳамма жойда юксак мажбуриятга яраша мўл ҳосил етилди. Республикамиз жанубидаги хўжаликлар илк карвонларни қабул пункти сари жўнатаётган бўлишса, бошқа зоналарда ўрим-йиғимга сўнгги тайёргарлик ишлари амалга оширияпти.

Фориш районидаги Ҳамза номли совхоз далаларида мўл ҳосил етиштирилди. Хўжаликнинг Хўроз Бозорбоев бошлиқ бригадаси маккажўхорикорлари бунга агротехниканинг юксак талабларига амал қилиб эришдилар. Бу ерда ўрим-йиғим бошланиш арафасида турибди.

Суратда: совхоз бошланғич партия ташкилоти секретари Бектемир Суннатов, 1-бўлим агрономи Назарқосим Жўрақулов ва илғор сувчи Валижон Қўзиев ўртоқлар маккажўхори ҳосилидан мамнун.

К. Жўрақулов фотоси.

*

БИРИ-БИРИГА УСТОЗ, БИРИ-БИРИГА ШОГИРД

ДЎСТЛИК ТАБИИЙ ОФАТДАН КУЧЛИ

Бутунги кунда Қорақалпоғистоннинг ва қўшни Туркманистон Тошовуз областининг пахтакорлари бир ташвиш — сув тақчиллигини бартараф этиш, табиат инжиқликларига қарамай, «оқ олтин»дан ва бошқа қишлоқ хўжалик экинларидан мўл ҳосил етиштириш ва йиғиштириб олиш ташвиши билан яшамоқдалар. Мусобақадош дўстлар автоном республикага юбилей йили ҳосили учун кураш қизғин тус олган кунларда келдилар. Тошовузликлар Хўжайли районидаги Ленин номли колхоз далаларида кўрган кўпгина яхши нарсаларни ўзларида қўлланишга қарор қилдилар. Аввало, бу ўсимликларни парвариш қилишнинг илғор усулларидир.

«Ленинград» совхозида меҳмонларни сувчи Қозоқбой Кошембетов билан таништирдилар. Тажрибали мироб уларга сувни тежаш усулини кўрсатди. У ғўзаларни бутун сутка давомида суғориш учун мўлжалланган сувни пайкал ёнидаги кичик сув омборида сақлайди, у ерда кечаси суғориш учун сув резервини вужудга келтиради.

ЎзТАГ мухбири.

Бу соҳада олиб борилаётган ишлар ўзаро текшириш бригадаси аъзоларида яхши таассурот қолдирди. Айниқса, «Коммунизм» совхози, Жума Пирназаров номли, «Ленинград» колхозларида дала ишлари сира бўшаштирилмасдан давом эттирилмоқда. Ҳосилга ҳосил қўшиш ойда дала меҳнаткашлари муҳим агротехник тадбирларни амалга оширишаётилар. Натижада ҳозирнинг ўзида илғор хўжаликларнинг далаларида ҳар туп ғўзада 10—12 тадан бўлиқ кўсак санаш мумкин.

Лекин мана шундай ибратли ишлар соясида шундай нуқсонлар ҳам борки, бу камчиликларни бартараф этиш сариосиёликлар зиммасидаги деҳқонлар ҳам, мутахассислар ҳам жуда яхши биладилар. Ғўзаларнинг ривожи ҳам анча орқада. Бунинг устига айрим карталарда шира, ўргимчаккана ва кўсак қурти борлиги аниқланди. Ҳашаротларнинг қандай зарар келтириши эса ҳаммага маълум. Шунга қарамасдан, ҳашаротга қарши курашда ерда ишлатиладиган аппаратлардан фойдаланиш эътибордан четдан қолмоқда.

Охунбобоев номли колхознинг А. Сатторов бошлиқ бригадаси аъзолари бу йил 74 гектар майдонининг ҳар гектаридан 50 центнердан «оқ олтин» тўплашга аҳд қилганлар. Ана шундай илғор бригадада 14 гектар майдондаги ғўза ривожланишдан орқада қолган. «Ўзбекистон» колхозидаги ўртоқ Л. Маҳмадалиев бошлиқ бригадада ҳам 15 гектар майдондаги ғўзани бегона ўт босган. Райондаги қатор бригадаларда дала меҳнаткашлари учун етарли шароит яратилмаган. Дала шийпонлари мавсумбоп қилиб жиҳозланмаган.

Коммунист район партия комитетининг секретари ўртоқ А. Насриддинова ва Қабаднён район «Коммунизм» колхозининг бригада бошлиғи, СССР Давлат мукофоти лауреати ўртоқ А. Тожиевлар Термиз район хўжаликларида бўлиб, район меҳнаткашларининг ипак пахтадан мўл ҳосил етиштиришдаги тажрибалари билан танишдилар. Термизликлар бу йил 6700 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 35 центнердан ипак пахта етиштиришга аҳд қилганлар. Районнинг «Октябрь 40 йиллиги», Жданов номли колхозларида ипак пахтадан мўл ҳосил етиштириш соҳасида ибратли ишлар амалга оширилянти. Кардош мусобақадошлар термизлик уста пахтакорларнинг тажрибаларини ўрганиш билан бир каторда ипак пахтадан юкори ҳосил етиштириш учун шу кеча-кундузда қилиниши зарур бўлган ишлар юзасидан қимматли маслаҳатлар бердилар. Бу маслаҳатлар аввало июль ва август ойларида ғўза қатор ораларига ишлов беришни давом эттиришдан, маҳаллий ўғитдан, сувдан самарали фойдаланишдан, муҳим агротехник тадбир ҳисобланган — чеканкани ўз вақтида ва сифатли ўтказишдан, айни пайтда теним техникасини мавсумга сифатли шай қилиб қўйишдан иборатдир.

Тожикистонлик мусобақадошларнинг вакиллари областнинг бошқа районлари далаларида ҳам бўлишиб, деҳқонларга ўзаларининг фойдали ва қимматли маслаҳатларини бердилар. Сурхондарёлик деҳқонлар ҳам бу маслаҳатлар учун чуқур миннатдорчилик билдиришди. Уларни юбилей йилида она-Ватанга 600 минг тонна, жумладан 300 минг тонна ингичка толали пахта етказиб беришдек юксак мажуриятларни шараф билан бажаришга ишонтирдилар.

Б. КЕНЖАБОЕВ, «Қишлоқ ҳақиқати» мухбири.

ДОН-БОЙЛИГИМИЗ

Серқуёш республикамиз ёш деҳқонлари олдида ўн биринчи беш йилликнинг иккинчи йилида улкан ва масъулиятли вазифа турибди — она Ватанга 2 миллион тонна «каҳрабо дон» етказиб берилади. Ўртоқ Л. И. Брежневнинг табрик мактуби олинишига бағишланган тантанали митинг иштирокчилари ўз мурожаатларида ана шу маррани эгаллашга даъват этдилар. Комсомол-ёшлар ўртасида бу мурожаат кенг қанот ёйди, улар ўз зиммаларига юксак оширилган мажбуриятлар олдилар.

Республикамиз комсомол ташкилотлари мавсумни пухта ҳозирлик кўрган ҳолда қутиб олиб, ўрим-йиғим конвейерининг барча зарур участкаларида комсомол ва ёшларни ишга таҳсинлаш бўйича катта тайёргарлик ишларини олиб бордилар, хўжаликларга икки сменада ишлаш учун 1350 ўрим-йиғим транспорт отрядлари ва звеноларини тузишга ёрдам бердилар, 5597 маккажўхори ўриш комбайни ва бошқа қишлоқ хўжалик техникаси ремонтини тугалладилар ва ишга созладилар. Ўрим-йиғим мавсуми арафасида Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетининг бюроси Сурхондарё области Ленин йўли райони ёш маккажўхорикорларининг қимматли ташаббусларини маъқуллади. Районнинг ёш маккажўхорикорлари етиштирилган барча ҳосилни олти иш кунида йиғиштириб олишга ва 100 центнердан маккажўхори дони олишга сўз бердилар.

Қумқўрғон районидаги Г. Гулом номли совхознинг З. Бойбулов, Жарқўрғон районидаги Н. Боймуродов номли колхознинг К. Хидиров, «Партия XXII съезди» колхозининг Э. Оллобердиев ва М. Эшмуродов етакчилигидаги комсомол-ёшлар коллективлари мавсумни аъло натижалар билан нишонламоқдалар. Шўрчи районидаги Киров номли колхознинг Ч. Мустаров, Ангор районидаги Калинин номли колхознинг С. Олтибоева, Олтинсой районидаги К. Маркс номли колхознинг И. Жумаев раҳбарлигидаги ёшлар коллективларининг ҳам ишлари ибратлидир. Бу коллективлар ҳар гектар ердан 105—115 центнердан «каҳрабо дон» олдилар.

Ленин йўли райони ёш меҳнаткашлари ўзларининг юксак социалистик мажбуриятларини шараф билан бажардилар. Олти иш кунида 1950 гектар майдондан 100 центнердан маккажўхори дони йиғиштириб олинди. СССР 50 йиллиги номли совхознинг Шойимардон Исматов бошлиқ бригада аъзолари ҳам ўрим-йиғим мавсумини зўр уюшқоқлик билан ўтказдилар. Улар 125 центнердан дон олишга эришдилар.

Маккажўхоризорларда иш кун сайин қизиб бормоқда. Сурхондарё областининг барча районлари, Қашқадарё областининг Нишон ва Яккабоғ районлари деҳқонлари далаларга комбайнларни олиб чиқдилар. Умуман республика бўйича 28 июлга қадар 7847 гектар майдондан 69,8 минг тонна маккажўхори дони йиғиб олинди. Ўртача ҳосилдорлик гектар бўйича 88,9 центнерни ташкил этди. Гагарин, Жарқўрғон ва Қумқўрғон районларида ишлар жуда юксак суръатларда олиб борилмоқда. Қашқадарё ва Бухоро областининг илғор хўжаликларидаги ўрим-йиғим транспорт отрядлари ҳам ишга шай.

Ишнинг яхши бошланиши унинг муваффақиятли тугашидан далолат беради. Республикамиз йигит ва қизлари юбилей йилида зарбдорларча, фидокорона меҳнат қилмоқдалар. Сурхон воҳасининг маккажўхорикорлари ҳафта давомида яхши ишладилар, техниканинг бирор марта ҳам бекор тўриб қолишига йўл қўйилмади. Бу ўрим-йиғимнинг зарбдор суръатини таъминлади.

ҲАМ ЎРГАНИБ, ҲАМ ЎРГАТИБ

Қардош Тожикистон республикаси Кўргонтепа область ижроия комитети раисининг биринчи ўринбосари ўртоқ И. А. Кўчаров раҳбарлигидаги ўзаро текшириш бригадаси аъзолари Сурхондарё области пахта далаларида бўлишиб, юбилей йили социалистик мажбуриятларининг бажарилиши учун қандай ишлар қилинаётганлиги билан атрофлича танишдилар. Қардошлар мусобақаси ҳар йили ҳам область меҳнаткашларининг зиммага олинган социалистик мажбуриятларини муваффақиятли бажарилишига баракали таъсир кўрсатмоқда.

Қабадиён район ижроия комитетининг раиси С. Васиров бошчилигидаги бир группа ўзаро текшириш бригадаси аъзолари Сариосиё районн пахта далаларида бўлишди. Сариосиёликлар юбилей йилида она-Ватанга 64 минг тонна «оқ олтин» етказиб бериш учун курашмоқдалар.

Қува районидаги «Коммунизм» колхозининг У. Рўзиматов бошлиқ бригадаси пахтакорлари юбилей йилида ҳосилдорликни 50 центнерга етказиш учун астойдил ҳаракат қиляптилар. Уларнинг фидокорона меҳнати натижасида ғўзалар бўлиқ ва серҳосил бўлиб ўсмоқда. Тожикистонлик пахтакорларнинг вакиллари бригада далаларида бўлганларида юксак мажбуриятга яраша ҳосил тўпланаётганлигини мамнуият билан қайд қилиб ўтдилар.

Суратда: мусобақадош Тожикистон пахтакорларининг ўзаро текшириш бригадаси аъзолари хўжалик пахтазорларида.

Н. Алимов фотоси (ЎзТАГ).

*

Ўзбекистон маккажўхорикорлари бу йил 2 миллион тонна «каҳрабо дон» етиштириш ниқида меҳнат қилишяпти. Ҳозир ҳамма жойда юксак мажбуриятга яраша мўл ҳосил етилди. Республикамиз жанубидаги хўжаликлар илк карвонларни қабул пункти сари жўнатаётган бўлишса, бошқа зоналарда ўрим-йиғимга сўнгги тайёргарлик ишлари амалга оширияпти.

Фориш районидаги Ҳамза номли совхоз далаларида мўл ҳосил етиштирилди. Хўжаликнинг Хўроз Бозорбоев бошлиқ бригадаси маккажўхорикорлари бунга агротехниканинг юксак талабларига амал қилиб эришдилар. Бу ерда ўрим-йиғим бошланиш арафасида турибди.

Суратда: совхоз бошланғич партия ташкилоти секретари Бектемир Суннатов, 1-бўлим агрономи Назарқосим Жўрақулов ва илғор сувчи Валижон Қўзиев ўртоқлар маккажўхори ҳосилидан мамнун.

К. Жўрақулов фотоси.

*

СОВЕТ—ГРЕНАДА ҲУЖЖАТЛАРИ ИМЗОЛАНДИ

27 июль куни Кремлда Совет—Гренада ҳужжатлари имзоланди.

КПСС билан Янги Жуэл ҳаракати партияси ўртасида ҳамкорлик тўғрисидаги шартномани Б. Н. Пономарев билан Янги Жуэл ҳаракати партияси Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси К. Рэдикс имзоладилар.

План ишлари соҳасидаги ҳамкорлик тўғрисидаги, иқтисодий ва техникавий ҳамкорлик ҳақидаги, маданий ва илмий ҳамкорлик тўғрисидаги битимлар, консуллик конвенцияси ва 1983—87 йилларда товарлар етказиб туриш тўғрисидаги протокол ҳам имзоланди.

Ҳужжатларни имзолаш вақтида Совет томонидан — Н. А. Тихонов, бошқа расмий кишилар, Гренада томонидан — М. Бишоп, у бошчилик қилаётган партия — ҳукумат делегацияси аъзолари ҳозир бўлдилар. (ТАСС).

ДЎСТОНА ВАЗИЯТДА

КПСС Марказий Комитети билан СССР ҳукумати Янги Жуэл ҳаракати партияси Марказий Комитети Сиёсий бюроси Раиси, Халқ Революцион ҳукумати Бош министри Морис Руперт Бишоп бошчилигидаги Гренада партия-ҳукумат делегацияси шарафига 27 июлда Катта Кремль саройида зиёфат берди.

Зиёфатда Совет томонидан Н. А. Тихонов, М. С. Горбачев, Б. Н. Пономарев ўртоқлар, СССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосарлари, СССР министрлари, СССР Давлат комитетларининг раислари ҳозир бўлдилар.

Н. А. Тихонов билан М. Бишоп ўртоқлар нутқ сўзладилар. Уларнинг нутқлари зўр эътибор билан тингланди ва қарсаклар билан кутиб олинди.

Зиёфат самимий, дўстона вазиятда ўтди. (ТАСС).

ЎРТОҚЛАРЧА СУҲБАТ

27 июлда КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзоси, СССР Министрлар Совети Раиси Н. А. Тихонов Янги Жуэл ҳаракати партияси Марказий Комитети Сиёсий бюроси Раиси, Халқ Революцион ҳукумати Бош министри М. Бишоп билан учрашди.

Ўртоқларча суҳбат вақтида ҳар икки томонни қизиқтирган масалалар муҳокама қилинди.

М. Бишоп ўртоқ Л. И. Брежневга самимий миннатдорчилик билдиришни ва унинг тинчликни сақлаб қолиш ҳамда тараққиёт йўлидаги тинимсиз фаолиятида унга энг яхши истакларни етказишни илтимос қилди.

(ТАСС).

СССР 60 ИИЛ

СУВ ИНСОН ХИЗМАТИДА

Кўп миллатли мамлакатимиз халқлари, бутун ер юзидаги биз нинг содиқ дўстларимиз катта тарихий воқеа — СССР ташкил топганлигининг 60 йиллигини кенг нишонлашга тараддуд кўрмоқдалар. Бу сана ленинчи миллий сиёсат тантанаси, босиб ўтилган шонли йўл сарҳисоби, улуғ Иттифоқна бирлашган миллат ва элатларнинг сиёсий, иқтисодий ва маданий соҳаларда эришган мислсиз ютуқлари кўпигидир. КПСС Марказий Комитетининг «Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи ташкил этилганлигининг 60 йиллиги тўғрисидаги қарорида таъкидланганидек: «Барча совет республикаларининг экономикаси халқларнинг аҳил оиласида муттасил ўсиб бормоқда. Замонавий саноат, қишлоқ хўжалиги, илм-фан, маданиятнинг чинакам равнақ топганлиги — бугунги кунда ана шу республикаларнинг ҳар бирига хос хусусиятлардир. Айни вақтда улар ўзининг беқиёс қиёфасига, ўзига хос миллий хусусиятларига эгадир».

Совет Ўзбекистонининг ҳам бугунги қиёфасига назар ташлар эканмиз, унинг бетакрор, фақат ўзигагина хос хусусиятларини яққол илғаб оламиз. Халқнинг асрий орзуси рўёбга чиқиб, ирригация ва мелиорация ишлари кенг ривож топганлиги экономикасида сўгориладиган деҳқончилик етакчи роль ўйнайдиган бу ўлканинг қиёфасини тамомила ўзгартириб, яшартириб юборди. Натижада республика қишлоқ хўжалиги тараққиётнинг шундай босқичига кўтарилдики, эндиликда у, эришган муваффақиятлар кўплаб ривожланаётган мамлакатлар учун илҳомбахш намуна бўлиб қолди. Бунга осонликча эришилмади, албатта. Тарихга бир назар ташлайлик.

Сув учун минг йиллар мобайнида олиб борилган кураш, ирригация қурилиши соҳасида авлодлардан-авлодларга ўтиб келган амалий кўникмалар сўгориш ишларида ўзига хос анъаналар, маҳоратни вужудга келтирди. Таниқли иқтисодчи олим В. И. Юферов сўгориладиган деҳқончиликни йўлга қўйишда Туркистон аҳолисининг тажрибасига юксак баҳо бериб, ўзининг «Туркистонда пахтачилик» («Хлопководство в Туркестане») китобида шундай ёзган эди: «Ўзбекларни интенсив юритишнинг бундай кўникмалари ва у билан боғлиқ алоҳида психология Туркистон ўлкаси аҳолисида минг йиллар мобайнида шаклланди... Туркистон деҳқон аҳолисининг меҳнатсеварлиги ва қадимқадимдан хўжаликни интенсив юритиш одати ўлкада пахта етиштиришни ривожлантиришда жуда катта роль ўйнади».

Шуни айтиб ўтиш зарурки, ўлкада қадимда ариқ-зовурлар мажбурий йўл билан қазилар, деҳқонлар зўрлаб ишлатилар ва ваҳшийларча эзиларди. Бу ишдан бош тортган ҳар бир кимса бошқаларга ибрат бўлсин деб қаттиқ жазога тортиларди. Сув чиқарилган ерлар эса хонлар васқалари / билан катта бойларга — феодаллар, сарой амалдорлари, руҳонийларга бериларди. Сув келтирганлар эса хор-зор эди. Деҳқонларга ер берилмасди, улар фақат бойлар ва амалдорлар ерларини ижарага олиб ишлашарди.

Туркистон Россияга қўшилганидан кейин ҳам ер сув муносабатлари ўшандай бўлиб қолаверди: сув қаттиқ эксплуатация қуроли вазифасини ўтади. Буни ҳатто деҳқончилик министрлиги ерларни яхшилаш бўлимининг бошлиғи князь В. И. Масольский ҳам тан олган эди. У Туркистонда сўгориш ишларига бевосита раҳбарлик қилган. «Бизнинг Ўрта Осиёдаги ҳукмронлигимиз мобайнида, — деб ёзган эди у, — бу ўлка учун анча-мунча ишлар қилдик, бироқ, тақдир тақозоси билан бизнинг фаолиятимиз унинг энг асосий аҳтиёжини қондиришга қаратилмади, яъни сувдан фойдаланишни қонун асосида нормалаш ҳамда янги ерларни сўгориш йўли билан экин майдонларини кўпайтириш мумкин бўлмади».

Сирдарё, Амударё, Зарафшон, Мургоб, Тежан дарёлари ҳавзаларида янги ерларни ўзлаштириш бўйича бир қатор лойиҳалар яратиш учун кидирув ишлари йўлга қўйилди, бироқ чор ҳукумати зарур маблағларни ажратмаганлиги сабабли бу ишлар ниҳоясига етказилмади. 1895—1915 йиллар мобайнида Туркистонда ирригация ишларига 34 миллион 868 минг сўм, шу жумладан кидирув ва лойиҳалашга 10 миллион 340 минг сўм сарф этилди. Чор маъмурияти фаолиятининг амалий натижалари жуда ҳам кам эди. 50 йил мобайнида бор-йўғи 60 минг гектар ер ўзлаштирилди.

Туркистон Россияга қўшилмасидан бурун ҳозирги Ўзбекистон территориясида 25 минг тонна пахта йиғиштириб олинарди. 1913 йилга келиб энг юқори нуқтага етди — 517,2 минг тонна пахта олинди. 1920 йилда эса пахта етиштириш 31 минг тоннага тушиб қолди.

В. И. Ленин 1920 йилнинг апрелида Бутунроссия тўқимачилик саноати ишларининг III съездида сўзлаган нутқида чет эллан берилаётган пахтанинг йўқлиги сабабли тўқимачилик саноати вайрона ҳолига келганлигини, Ғарбий Европанинг ўзида ҳам хом ашё кескин даражада етишмай турганлигини, бирдан-бир манба Туркистон эканлигини таъкидлаб ўтди.

Туркистонда эса озиқ-овқат танқислиги деҳқонларни пахта ўрнига дон ва бошқа экинларни экишга мажбур этганди. Шунинг учун ҳам В. И. Ленин пахтакорларни галла ва бошқа озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашга биринчи даражали аҳамият берди. У сув хўжалиги системасини барпо этмай туриб, пахтачиликни бир маромда ривожлантириб бўлмаслигини таъкидлаб ўтди.

Партия ва ҳукумат томонидан амалга оширилган қатор иқтисодий ва ташкилий тадбирлар натижасида 1928 йилга келиб мамлакатда пахта етиштириш ҳажми революциядан илгари энг ҳосилдор бўлган 1913 йил даражасидан ортиб кетди. Қишлоқ хўжалигини коллективлаштириш мамлакат пахта мустақиллигини қўлга киритишда ҳал қилувчи роль ўйнади. 1932 йилда мамлакатда миллион тоннадан ортиқ пахта етиштирилди, бу эса чет эллан пахта сотиб олишдан воз кечиш имконини берди. Шундан кейин ҳар йили пахта етиштириш ва тайёрлаш тўхтовсиз ўсиб борди.

Деҳқончилиги суғориш асосида олиб борилади ган Ўзбекистон учун мелиорация ва ирригация ишлари ерларнинг ҳосилдорлигини оширишда, мўл ҳосил етиштиришда энг асосий омил ҳисобланади.

Коммунистик партия ва Совет ҳукуматининг жуда катта ёрдами туфайли республикамизда йирик сув хўжалиги қурилиши амалга оширилди. Ўзбекистон ирригация каналлари ва иншоотларининг ривож топган системасига, илғор моддий-техника база, лойиҳалаш-қидирув, қурилиш, эксплуатация ва илмий муассасаларга, кўпдан-кўп малакали сув хўжалиги мутахассис кадрларига эга бўлган деҳқончилик районига айланди.

Бугунги кунда Ўзбекистоннинг сув хўжалиги 900 дан ортиқ сўгориш системасига эга бўлиб, уларда 93 минг гидротехника иншоотн, 16 та йирик сув омбори, 200 минг километр узунликдаги канал ва коллекторлар, 70 минг километрдан ортиқ дренаж тармоқлари, 560 дан зиёд йирик доимий насос станциялари, тик дренаж қудуқлар мавжуд. Сув хўжалиги замонавий техника билан қуролланган, суғориш системаларидан фойдаланиш хизмати ихтиёрида бошқарув ва назорат қилишнинг автомат ва телемеханик воситалари бўлиб, сув хўжалиги қурилишининг индустриал базаси тобора қудратлироқ бўлиб бормоқда.

Ривожланган социализм даврида қишлоқ хўжалиги олдида йирик вазифалар пайдо бўлди. Буни ҳисобга олиб Коммунистик партия ҳозирги босқичдаги аграр сиёсатнинг энг муҳим йўналишларини ишлаб чиқди ва назарий жиҳатдан асослаб берди. Ҳайдалаётган ерларнинг ҳосилдорлигини кескин кўтариш, қишлоқ хўжалик экинларидан барқарор мўл ҳосил олишни таъминлайдиган шароитларни вужудга келтиришга қаратилган кенг тадбирларни амалга ошириш зарур эди. Бу муҳим халқ хўжалик вазифасини ҳал этишга ерларни мелиорациялашни яхшилаш йўли билан эришиш мумкин эди. Шунинг учун ҳам КПСС Марказий Комитетининг 1966 йил май Пленумида мелиорация ҳақидаги масала атрофлича муҳокама қилинди, тегишли тадбирлар белгиланди.

«Ерларни мелиорация қилиш ҳам, бизнингча, эндиликда энг муҳим ишдир, — деди ўртоқ Л. И. Брежнев Пленумда қилган докладида. — Бу иш — қишлоқ хўжалиги соҳасида узоқ муддатга мўлжалланган программа эканлигини, жуда катта кучгайрат ва бир талай капитал маблағ ҳамда моддий-техника воситалари сарфлашни талаб қилувчи программа эканлигини равшан тушуниб олишимиз... керак. Бу программа илм-фан ва тажриба маълумотларига, эндиликда совет экономикаси ихтиёрида бўлган реал имкониятларга таянади».

Ўшандан буён босиб ўтилган йўл ва бажарилган ишларга баҳо бериб, шуни айтиш керакки, давр партия Марказий Комитетининг 1966 йил май Пленуми қабул қилган қарорларинг гоят тўғрилиги ва ҳаётийлигини тасдиқлади. Пленум қарорларига мувофиқ республикамизда сув хўжалиги қурилишининг иқтисодий жиҳатдан асосланган кенг программаси ишлаб чиқилди. Янги ерларни комплекс ўзлаштириш, яйловларга сув чиқариш, ҳар гектар суғориладиган ердан ва ҳар кубометр сувдан оқилона фойдаланиш учун кураш бу программанинг бош йўналиши бўлди.

1966—1980 йилларда давлат ва колхозлар Ўзбекистон қишлоқ хўжалигига 21 миллиард сўмдан ортиқроқ маблағ сарфладилар, шундан 9 миллиард сўмга яқин сув хўжалиги қурилишига ишлатилди. Ана шу давр мобайнида республикада 962 минг гектар ерга сув чиқарилди, эскидан суғориб келинган 1 миллион 650 минг гектар ернинг мелиоратив ҳолати яхшиланди, 2,5 миллион гектар майдондаги яйловга сув чиқарилди ҳамда 780 минг гектардан ортиқ майдон капитал текисланди. Эндиликда республикада жами 3 миллион 500 минг гектар ер суғорилмоқда..

Пахтачилик шоличилик, боғдорчилик, узумчилик, пиллачилик ва қишлоқ хўжалигининг бошқа соҳалари билан биргаликда ривожлана бориб, суғориладиган деҳқончиликнинг етакчи тармоғига айланди. Республика қишлоқ хўжалигини ихтисослаштириш ва унинг умумитифоқ фондига қўшадиган ҳиссасини кўпайтириш мақсадида суғориладиган ерларнинг каттагина қисми пахта ҳамда алмашлаб экиш составига кираётган бошқа экинлар, асосан беда ва маккажўхорига ажратилмоқда. Агар суғориладиган ерларнинг умумий майдони 1980 йили 1913 йилга нисбатан 2,5 баробар ортган бўлса, шу йиллар мобайнида пахта майдонлари 4,3 баравар ўсди.

Коммунизмнинг моддий-техника базасини қуриш кенг авж олган ҳозирги даврда қишлоқ хўжалиги олдида янгидан-янги вазифалар пайдо бўлмоқда. Коммунистик партия буни ҳамиша ҳисобга олиб турибди, ҳар бир босқичда аграр сиёсатнинг энг муҳим қонда ва йўл-йўриқларини ҳар томонлама ишлаб чиқмоқда ва назарий жиҳатдан асослаб бермоқда. Партиянинг 1965 йил мартг Пленуми қабул қилган қарорлар бунинг ёрқин мисолидир. Пленум КПСС аграр сиёсатининг асосларини белгилаб берди. Партиянинг доимий ғамхўрлиги туфайли мамлакат пахтачилиги тўхтовсиз ривожланиб бормоқда, Мамлакат бўйича олганда пахта етиштириш ҳозирга келиб 1913 йилга нисбатан 11 баравар ортди.

Ўзбекистон Иттифоқ миқёсидаги пахтанинг қарийб учдан икки қисмини етказиб бермоқда. Ўнинчи беш йиллик мобайнида пахта етиштириш аввалги беш йилликдагига қараганда 17 процент ўсди. Кейинги икки йил мобайнида ҳар йили 6 миллион тоннадан ортириб «оқ олтин» етиштирилди.

Ирригация ва ерларни мелиорациялаш деҳқончиликни интенсивлашнинг қудратли воситаси, бутун қишлоқ хўжалигининг негизи бўлиб колди. Сўнгги йиллардагина Чорвоқ ва Андижон сув омборлари, Толимаржон ва Туямўйин сув омборларинг биринчи навбатлари сингари йирик ва нодир объектлар барпо этилди, Карши, Жиззах даштлари ва Мирзачўл зарбдорчасига ўзлаштирилмоқда, кўплаб ирригация каналлари, коллектор-дренаж тармоқлари, насос станциялар ва бошқа гидротехника иншоотлари қурилмоқда.

Республикамизда ҳар йили 100 минг гектарга яқин янги ер ўзлаштирилиб, қишлоқ хўжалик оборотга киритилмоқда.

Сув хўжалиги органлари сувдан фойдаланишни яхшилашнинг қўшимча резерв ва имкониятларини ишга солиш соҳасида катта ишлар қилмоқдалар. Дарёлар оқимини тартибга солиб туриш, тармоқларни қайта қуриш йўли билан суғориш системаларнинг фойдали иш коэффициентини ошириш, суғориш режимини яхшилаш, суғоришнинг янги техника усулларини жорий этиш, минерал сувларнинг шўрини йўқотиш ва бошқалар шулар жумласиндандир. Буларнинг барчасига жуда кўп маблағ сарфланмоқда. Масалан, кейинги ўн йилликда (1970—1980) республикада сув хўжалиги қурилишига 8 миллиард сўмга яқин маблағ ажратилди.

КПСС Марказий Комитетининг 1982 йил май Пленуми партия аграр сиёсатини ҳар бир давр талабларидан келиб чиққан ҳолда ривожлантиришнинг ажойиб намунасини намойиш этди. Пленум «СССРнинг 1990 йилгача бўлган даврга мўлжалланган Озиқ-овқат программасини» қабул қилди.

Май Пленуми қарорлари ва Озиқ-овқат программасини амалга оширишда ерларни ирригациялаш ва мелиорациялашни янада ривожлантириш, сув таъминотини ошириш ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлади. Ўн биринчи беш йилликда сув хўжалиги қурилиши учун республикага 6 миллиард сўмдан кўпроқ маблағ ажратилади. 485 минг гектар янги суғориладиган ер ўзлаштирилиши, бир канча сув омборлари ва каналлар, катта-катта насос станциялари қуриб битказилиши лозим.

Хуллас, сув хўжалиги ишларининг кўлами ҳам, миқёси ҳам тинмай кенгайиб бормоқда. Халқимизнинг асрий орзулари рўёбга чиқиб, оби-ҳаёт туфайли Ўзбекистон қардошлик оиласида қулф уриб яшнамоқда.

А. МАМЕДОВ,
профессор,
Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган экономист.

Қашқадарё области. «Гидростроой» трестига қарашли 8-қурилиш-монтаж бошқармасининг Тўйчи Рўзиқулов етакчилигидаги монтажчилар бригадаси аъзолари айни кунларда Толимаржон гидрокомплексининг 7-насос станцияси қурилишида меҳнат қилаётирлар. Йиллик планни 7 ноябргача бажаришга аҳд қилган бу бригада азаматлари, планга қўшимча 70 минг сўмлик қурилиш-монтаж ишларини бажаришди. Қурувчилар насос станциясининг 7-агрегатини монтаж қилиш ишларини тугалладилар.

Суратда: бригаданинг пешқадам монтажчиларидан Пўлат Мажидов ҳамда электрпайвандчи Виктор Меженинлар.

Ш. Шароков фотоси. (ЎзТАГ).

ЧЎЛҚУВАРЛАРНИНГ ИККИНЧИ ҚЎРИҒИ

Совет кишиларининг турмуш маданияти тобора юксалиб борган сари озиқ-овқат ва чорвачилик маҳсулотларига бўлган талаб-эҳтиёж муттасил ортиб бормоқда. Шунинг учун ҳам партия ва ҳукуматимиз чорвачилик маҳсулотлари етиштириш кўламини кескин кўпайтириш борасида оталарча ғамхўрлик қилиб, янги-янги тадбирлар белгилаб ҳаётга тадбиқ этмоқда.

КПСС Марказий Комитетининг май Пленумида КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежнев ўз докладида «Кўпроқ чорва туёғига эга бўлишга интилишнинг сабаби ҳам равшан. Аммо, чорвачиликда ҳар бош сигирдан соғиб олинадиган сутни ва гўштга топшириладиган молнинг ўртача вазнини кўпайтириш ҳозирги шароитдаги бош вазифадир. Бу вазифа чорва туёғининг сифат составини такомиллаштиришни, наслчилик ишини яхшилашни, сермаҳсул чорва зотларини кўпайтиришни диққат марказига қўяди. Ўзўзидан равшанки, ем-хашак етиштиришни анча кўпайтиришни, унинг сифатини оширишни ва ундан оқилона фойдаланишни ҳам диққат марказига қўяди», деб мамлакат чорвадорлари олдида турган бош вазифани ойдин кўрсатиб берди.

Кўп йиллар давомида республикамизнинг янги қўриқ совхозларида чорвачиликни ривожлантиришга етарли эътибор берилмай келди. «Имконият йўқ», деган нотўғри тушунча ҳукмрон бўлди. Партиянинг доимий мадади ва оталарча ёрдамида бирин-кетин қўриқ совхозларида замонавий, тўла механизациялашган комплекслар қуриляпти. Ҳозирги кунда Андижон, Жиззах, Самарқанд, Бухоро, Навоий, Сирдарё, Тошкент, Фарғона, Хоразм ва Қашқадарё вилоятларида 38 та совхозда чўчқачилик фермаларини ишга туширилди. Уларнинг насл берадиган чўчқалар сони 450 бошга етказилди. Чўчқачиликни тез йўлга қўйишда Гречко номли боғдорчилик совхозининг чорвадорлари ўрнак бўларли иш олиб бормоқда.

Район яна бир катта хазинага эгадир. Район территориясида балиққа сероб Арнасой кўллари бор. Шу кўлларнинг Шарқий соҳилида Наврўз номи билан балиқчилар посёлкаси барпо қилинмоқда. У ерда йилда 2 минг тоннагача балиқ қуритадиган завод қурилмоқда. Яқин келгусида арнасойлик балиқчилар ҳар йили чўқуварлар дастурхонига 15 минг тоннагача балиқ етказиб берадилар. Бу соҳанинг равнақи йўлида амалга оширилаётган ишлар ўн биринчи беш йиллиқнинг охирига бориб, ҳозиргига нисбатан гўшт етиштиришни 4 баравар, сут етиштиришни 3 баравар кўпайтириш имконини беради.

Маккажўхоричилик деҳқончиликдан тобора кенг ўрин олянти. Бу йил районда маккажўхоричиликка ихтисослаштирилган совхоз ташкил этилганлиги қувончли воқеа бўлди. Озуқа мўллигига эришиш мақсадида жами 3.600 гектар ерга маккажўхори экилиб, яхши парвариш қилинмоқда. Оралиқ экинлари экиш, улардан мўл ҳосил олишга ҳам катта эътибор берилмоқда. Бу йил беданинг гектаридан 200 центнердан пичан тайёрлаш, маккажўхорининг ҳар гектаридан 350—400 центнердан кўк поя олиш, 80 центнердан сара дон етиштириш, чорва моллари учун 45 минг тонна ем-хашак жамғариш район меҳнаткашлари зиммасига масъулиятли, шарафли вазифа қилиб юкланган.

Район чорвадорлари давлатга гўшт, сут, тухум етказиб бериш йиллик, тўққиз ойлик планларини ado этишиб шу кеча-кундузда ана шу меҳнат муваффақиятларини янада кўпайтириш эзгу-ниятида ҳормай-толмай меҳнат қилишяпти.

КПСС Марказий Комитетининг май Пленумида қабул қилинган «СССРнинг 1990 йилгача бўлган даврга мўлжалланган Озиқ-овқат программаси» ва КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Ўртоқ Л. И. Брежневнинг шу Пленумда қилган докладидан келиб чиқадиган хулоса ва кўрсатмалар арнасойликлар учун кундалик иш қўлланмаси бўлиб қолди.

А. РАҲИМЖОНОВ,
Жиззах области.

УНИНГ ОМАДИ КЕЛДИ

Бу йил мавсумда Калинин номли совхозидан бош чўпон Ўринқани Қолдибоевнинг омади келди. У жунбоқ зот гўштга топшириладиган қўйларнинг вазнини кўпайтиришда Тошкент областида энг юқори кўрсаткичга эришди: у йил бошидан буён топширган минг бош қўйнинг ҳар бири 60 килограмм келди. Бу эса планда кўзда тутилганидан бир ярим баравар кўпдир. Чўпон СССР ташкил этилганлигининг 60 йиллиги шарафига қабул қилган ўз социалистик мажбуриятини муддатидан қарийб ярим йил илгари ado этди.

Ў. Қолдибоевнинг бу муваффақияти тасодифий эмас, албатта. Бу яйловлардан самарали фойдаланиш соҳасида бой тажриба тўплаган чўпон маҳорати натижасидир. Хатто бу йил Ўринқани ўз отарларини боққан Келес массивида ҳам ўт кам бўлганлигига қарамай, қўйларни яхши семиртиришга эришиб, қабул қилиш пунктига нуқул семиз жониворларни топширди.

Совхознинг Н. Олимхонов, И. Абдурахмонов сингари кўпгина бошқа чўпонлари ҳам гўштга топшириладиган қўйларнинг вазнини анча оширишга эришдилар. Умуман хўжалик бўйича жониворларнинг гўштга топшириш вазни 56 килограммга етказилди.

Қўйчивонлар КПСС Марказий Комитети 1982 йил май Пленумининг қарорларига амалий иш билан жавоб беришга интилиб, бу йил давлатга 750 тонна қўй гўшти топшириш юзасидан ўз зиммаларига янги олгирлган мажбуриятларини қабул қилдилар. Бу эса илгари белгиланганидан 50 тонна кўпдир.

ПАРРАНДАЧИЛИК ФАБРИКАЛАРИ УЧУН КАДРЛАР

Водил район марказидаги 134-қишлоқ ўрта техника билим юртида паррандачилик комплекслари операторларини тайёрлайдиган бўлим очилди. Фарғона областида паррандачилик корхоналари кўпайганлиги шу билим юртининг очилишини тақозо этди. Ёшлар бу ерда тақчил паррандачилик касбини бир йилда эгаллаб чиқа оладилар. Таълим курси шунча муддатга мўлжалланган.

51 мактабни битириб чиқувчилардан 30 киши янги бўлимга кириш истагини билдирди. Бу ерда Фарғона райониди Ильич номли колхоз меҳнаткашларининг болалари ўқирди. Улар мактабда ишлаб чиқариш бригадаларининг, ёш табиатшунослар клубининг ишида актив қатнашдилар, машғулотлардан бўш вақтларида колхоз паррандачилик фермасида ишладилар. Йигит-қизлар ҳунар-техника билим юртида ишчилик касбини ўрганиб олгач, катта корхонада — қурилаётган Чимён бройлер паррандачилик комплексида ишлайдилар.

МЎЛ ВА СИФАТЛИ ОЗУҚА ЖАМҒАРАЙЛИК

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ИШЛАРИ КУНДАЛИГИ

Кўпгина колхоз ва совхозларда беданинг тўртинчи ўрими авж олдириб юборилди. Сурхондарё области хўжаликлари беда майдонларининг 70 процентидан зиёд ҳосилини ўриб-йиғиб олдилар. Жаркўрғон, Ленин йўли, Қумқўрғон, Шўрчи районлари эса беданинг тўртинчи ўримини тугалладилар. Бироқ Фарғона ва Жиззах областларида эндигина учинчи ўрим давом этяпти.

Қашқадарё области хўжаликлари дағал хашак тайёрлаш планини ошириб бажариш ниятида, мажбуриятга нисбатан 56 процентдир, шу жумладан қарийб 1,5 миллион тонна пичан ва 1,8 миллион тонна сенаж жамғаришди. Шу билан бирга қатор областларда, кўплаб районлар ва хўжаликларда тайёрланган озуқа чорва эҳтиёжини таъминламайди. Жиззах области хўжаликларида ем-хашак тайёрлаш бўйича қабул қилинган социалистик мажбуриятларни бажариш керак.

Бу йилги шароитда гўшт, сут ва бошқа маҳсулотлар етиштириш ва маккажўхори поясини силослаш ишини уюшқоқлик билан бошладилар. Области қарийб 100 минг тонна силос жамғариб қўйилди. Ленин йўли районида хўжаликлар маккажўхори ўрим-йиғимини тугалладилар, гектаридан 95 центнердан дон олдилар ва жами 38,4 минг тонна силос бостирдилар. Жаркўрғон, Гагарин районларининг колхоз ва совхозлари маккажўхори ўрим-йиғими ва силос бостиришни жадал суръатларда олиб боришяпти. Яқин кунлар ичида Қумқўрғон районидаги маккажўхоричиликка ихтисослаштирилган Ғафур Ғулом номли совхозининг 2000 гектар майдонида дон ва силос учун маккажўхори ўрим-йиғими тугалланади. Области 5298 гектар майдонда такрорий маккажўхори экилган.

Бироқ кўпчилик областларда маккажўхори ўрим-йиғими ва силос бостириш ҳали авж олдирилгани йўқ. Яқин 10—12 кун ичида маккажўхори ўрим-йиғимини тугаллаш, карбомиддан фойдаланган ҳолда сифатли силос бостириш учун ҳамма чоралари кўриш керак. Ўтган йили баъзи хўжаликларда ўрим-йиғим мавсуми бир-бир ярим ойга чўзилиб кетиб, оқибатда қуриган поялар бостирилганди — бундай хатоларни такрорламаслик лозим.

Шу билан бирга ҳозир техникани пухта шайлаш ҳамда август ойида қишки озуқа экинлари — жавдар, рапс, перко ва бошқа экинлар экишни авж олдириш зарур.

Чорвачиликни жадал ривожлантиришда моллар ва паррандаларга оқсил ва витаминга бой бўлган ўт уни бериш муҳим аҳамиятга эга. Донадор озуқа тайёрлаш учун беда, янтоқ, қамиш ва бошқа дағал поялар ўтлардан кенг фойдаланиш керак.

Умуман республика бўйича 82 минг тонна витаминли ўт уни тайёрланди, бу топшириққа нисбатан 38 процентни ташкил этади. Тошкент областида бу борадаги топшириқ 66 процент. Самарқанд областида 64 процент, Қашқадарё ва Сурхондарё областларида 47 процент бажарилди. Бироқ Жиззах, Сирдарё областлари ҳамда Қорақалпоғистон АССРда бу топшириқ атиги 9—14 процент удаланган. Аҳволни тезда тузатиш зарур, беданинг ҳар бир ўримидан фойдаланиш, бошқа барча хом ашё манбаларини сафарбар этиш. АВМ ва ОТМ агрегатларини узлуксиз ишлатиш даркор. Бу ишда республика «Госкомсельхозтехника» органлари анча иш қилишлари керак, улар хўжаликлардаги мавжуд барча агрегатларда техника хизмати кўрсатишни йўлга қўйишлари, уларнинг унумли ишлашини таъминлашлари керак.

Партия ташкилотлари, совет ва хўжалик органлари назоратни кучайтиришлари, ишга ёрдам беришлари, колхоз ва совхозларнинг раҳбарлари, мутахассисларидан фермаларни етарли миқдорда дағал ва ширали озуқа билан таъминлаш юзасидан ғайрат билан ишлашларини талаб қилишлари зарур.

ОЗУҚА ИНДУСТРИЯСИ

Ховосда фойдаланишга топширилган янги омихта ем цехи Сирдарё областининг колхоз ва совхозларида чорвачиликни жадал ривожлантиришда ёрдам беради. Цех ҳар куни 30 тонна донадор озуқа ишлаб чиқаришга мўлжалланган. Автоматлар омихта ем компонентларини белгиланган программага мувофиқ гоят аниқ қадоқлайди. Корхона шу ердаги тегирмон заводи составига киритилганлигидан чиқит ташиш зарурати қолмади.

Наманган ва Сурхондарё областларида ҳам худди шундай донадор озуқа фабрикалари қуриб битказилмоқда.

(ЎзТАГ мухбири).

Бекобод районидаги Дзержинский номли колхоз механиклашгандирилган етарли чорва озуқаси жамғариш учун барча тадбирларни амалга оширишяпти. Хўжаликда бу борада техника восита ларидан унумли фойдаланилмоқда.

Суратларда: 1. Ем-хашак жамғаришда намуна бўлаётган механизатор Шоди Ғаффоров. 2. Беда ўрилаётган пайт.

М. Қорабеков фотолари.

КОЛХОЗ БИОФАБРИКАСИ

Экин парвариши даврида ёмғир фақат фойда келтиради, деб ўйлаб юрардим. Коммунистик районидаги Свердлов номли колхоз раиси Николай Иванович Цой билан далага йўл олганимизда ёмғир томчилай бошлади. Айни муддао бўлди, деб сўз бошлаётган эдим, раис бирданига ташвишга тушиб, машинага ўрнатилган радио телефон трубкасини кўтарди: «Виктор, кўрайпсанми ёмғир бошланди. Ҳамма нарсани тахт қилиб қўйгансанми?» деб сўради. Кутилган жавобни эшитиб, тинчланди. Сўнгра тушунтира бошлади.

— Ёзда ёмғирнинг нафи бор албатта. Агар у кўпроқ ёғса, тупроқни етарли намласа айни муддао бўлади. Аммо у бироз томчилаб туради-да, ҳаво очилиб кетади. Бундай пайтда қишлоқ хўжалик зараркунандалари, айниқса шира кўпаяди. Шунинг учун ҳам биофабрика мудири билан гаплашдим. Ҳамма нарсани тахт қилиб қўйиш керак. Чунки ҳозир июль ойи бошларида кўсак қурти иккинчи марта болалайди. Эҳтиёт шартлари кўрилмаса ҳосилнинг бир қисмини йўлдан бериш ҳеч гап эмас.

Биз «Биофабрика» деб ёзиб қўйилган пишиқ ғиштдан қурилган бинога кирдик. Ҳаммаёқ саранжом-саришта. Фабрика мудири Виктор Ким трихограмма тайёрлаш жараёни билан таништирди. Ҳозир бу ерда тайёрланган трихограммалар колхоз пахта майдонларига уч қайта ишлов беришга етади.

Свердлов номли колхозда биологик усул кўп йиллардан бери қўлланиб келинади. 1980 йили кичик бир лаборатория эди. Кейин у фабрикага айлантирилди. Даставвал кўп кишилар бу усулнинг самара беришига унчалик ишонишмаган эди. Ҳозир эса унинг самарасини кўриб туришибди.

1978 йил колхоз аъзоларининг ҳануз эсида турибди. Ўша йили ғўзаларга кўплаб зараркунанда тушди. Унга қарши кураш учун катта куч ва маблағ сарфланди. Ҳосилнинг бир қисми нобуд бўлди. Ўшанда колхоз раҳбаниеси ғўза зараркунандаларига қарши курашнинг янги ва илғор усулларини қўллашга қарор қилди. Биолаборатория ташкил этилди.

Ўрта Осиё ўсимликларни ҳимоя қилиш институтининг олимлари ва мутахассислари колхоз биолабораториясини оталиққа олишиб, яқиндан ёрдам бера бошлашди. Хўжаликнинг пахта майдонлари тажриба участкаларига айлантирилди. Бу ҳамкорлик ҳозир ҳам давом этмоқда.

— Шу йилнинг ўзида биз колхоздаги барча пахта ва бошқа экин майдонларига биологик усулда уч марта ишлов бердик,— дейди Виктор Ким. — Кўсак қуртига қарши трихограмма тайёрладик. У 1400 гектар ердаги ғўзани зараркунандалардан халос қилишга етади. Ҳар бир ишловни 10 кун ичида ўтказиш керак. Фабрикамизда 12 киши ишлайди. Бизга бригадалардаги кузатувчилар ва бошқа деҳқонлар яқиндан ёрдам беришади. Улар бирон-бир пайкалда зараркунанда ҳашорат пайдо бўлиши билан бизга хабар қиладилар. Фабрикамиз лаборантлари дарҳол шу участкага етиб келиб, трихограмма ёки габроброкон қўлланиш зарурлигини белгилайдилар.

Трихограммаларни ўстириш осон иш эмас. Ў диққат-эътибор билан ишлашни, технологияга аниқ риоя қилишни талаб этади. Шунинг учун ҳам бу ерда малакали мутахассислар ишлашади. Виктор Ким кўп йиллар лаборант бўлиб ишлаган. Тошкент қишлоқ хўжалик институтини сиртдан тамомлади. Яна иккита катта лаборант ва кузатувчи-агроном ҳам олий маълумотли. Бошқаларни ўрта-махсус билим юртларини ва махсус курсларда таълим олишган. Биофабрикага республикамизнинг бошқа областларидан ҳам тажриба ўрганиш учун мутахассислар келиб туришади. Яқинда Тошкентда бўлиб ўтган қишлоқ хўжалик зараркунандаларига қарши биологик усулларни қўллаш Бутуниттифоқ кенгаши қатнашчилари бу ерга келишди. Биофабрикада ишнинг ташкил этилиши ва мутахассисларнинг малакасига юқори баҳо беришди.

Ҳурматли газетхонларга шу биофабрикада қандай ишлар амалга оширилаётганлиги, қишлоқ хўжалик зараркунандаларига қарши кураш қандай ташкил қилинганлиги тўғрисида бир рақамни айтиб ўтмоқчимиз. Бир гектар ердаги кўсак қуртини қириб ташлаш учун 600 минг трихограмма талаб этилади. Колхозда эса пахта майдонлари юқорида айтилганидек 1400 гектар. Бир йилда биофабрика 15 килограмм энтомофаг ишлаб чиқармоқда. Бунга габроброконни қўшсак, иш қўлами янада аниқроқ бўлади. Уни ишлаб чиқариш анча мураккаб. Ҳозир 500 минг ана шундай энтомофаг ишлаб чиқариляпти.

— Биологик усул яхши албатта, — дейди колхоз раиси Н. Цой. — Унинг истиқболи порлоқ, зараркунандаларга қарши химиявий препаратларни қўлланишга нисбатан анча самаралидир. Бу усул қўлланганда зараркунандаларнинг 70—80 проценти қириб ташланади. Химиявий препарат қўлланилганда эса 50 проценти йўқотилиши мумкин. Бунинг устига янги усул анча тежамли. 1980 йили кўсак қурти, шира ва бошқа зараркунандаларни йўқотиш учун мавсумда 150 минг сўм маблағ сарфлаган эдик. Ҳозир эса сарфланган маблағ 50 минг сўмдан ошмайди. Энг муҳими биологик усулда ишлов берилганда атроф-муҳит тоза сақланади. Далаларда иш бир кун ҳам тўхтатилмайди.

Аммо бу усулнинг ҳам муаммолари бор. Кўсак қурти ва ғўза тунламига қарши трихограммалар яхши самара беради. Шира ва трипсни биз авваллидек заҳарли химикатлар билан йўқотаяпмиз. Далаларга химиявий препаратлар сепилгандан кейин пайкалларга бир неча кун кириб бўлмайди. Бундай жойларга трихограмма қўлланиш ҳам мумкин эмас. Чунки улар химикатлардан нобуд бўлади. Шунинг учун ҳам олимларимиз экин зараркунандаларининг барча турларини қириб ташлайдиган энтомофаглар яратиш устида ишлашлари зарур. Ана шунда бу усул комплекс ўтказилган бўлур эди.

Иккинчи бир муаммо биологик усулни механизмлар воситасида амалга оширишдан иборат. 1400 гектар ердаги ғўзага тўққиз марта ишлов бериш учун қанча куч талаб қилинишини тасаввур этиб кўринг. Тўғри, бу соҳада анча иш қилиняпти. Ўрта Осиё ўсимликларни ҳимоя қилиш институтининг мутахассислари колхозимизга келганда энтомофагларни сепадиган машинани намойиш қилишди. У ОВХ-14 машинасига ўхшайди. Олимларнинг тасдиқлашича, трихограмма тухумлари 1—1.5 соат давомида сақланиши, шундан кейин ундан капалаклар чиқиши мумкин. Ана шу капалаклар ғўза зараркунандалари билан озиқланади. Трактор бир соатда 20 гектар ерга ишлов бериши мумкин.

Яна бир муаммо — арпа етишмаслигидир. Трихограмма ўстириш учун одатдагидан бироз бошқачароқ арпа зарур. Ҳозир шу хил арпани хўжаликнинг ўзида етиштириш, бунинг учун махсус омборхоналар қуриш мўлжалланяпти. Районда ҳозир кўпгина хўжаликлар ўсимликларни биологик усулда ҳимоя қилишни кенг қўллашяпти. Лекин қўшни Карл Маркс номли колхозда бу усул қўлланилмаяпти.

— Биз шу колхозга зарур миқдорда трихограмма беришимиз мумкин,— дейди колхоз раиси. — Лекин хўжалик бизга арпа бериши керак. Агар шу хилда ҳамкорлик қилинса, ҳар иккала хўжаликка фойда бўлур эди.

Свердлов номли колхоз юбилей йилида ҳар гектар ердан 40 центнердан пахта етиштириш мажбуриятини қабул қилган. Бу ўтган йили олинган ҳосилдан 5 центнер кўпдир. Ҳозир барча бригадаларда мўл ҳосил учун кураш қизғин боряпти. Сув танқислиги, далаларни бегона ўтлар босиши, зараркунандалар кўпайиши ва бошқа шу каби қийинчиликларни енгиб, хўжалик аъзоларининг ҳозирга қадар ғўза қатор ораларини тўрт марта культивация қилдилар, икки марта суғориб, икки марта озиқлантирдилар. Ҳозир барча майдонларда ғўза мўл ҳосилдан далолат бериб, гуркираб ўсмоқда. Ҳамма майдонлар бегона ўтлардан тозаланган. Бирон-бир жойда зараркунанда пайдо бўлганлиги сезилиши биланоқ дарҳол у ерга трихограмма сепилади, зараркунанда ҳашаротларнинг кўпайишига йўл қўйилмайди. Хўжалик биофабрикаси ходимлари мўл пахта ҳосили учун курашда ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшмоқдалар.

Н. КОПЕЙКИС,
«Қишлоқ ҳақиқати» махсус мухбири.

ҲАЛҚАРО ҲАЁТ

ВОҚЕАЛАР, ФАКТЛАР, ЯНГИЛИКЛАР

АХДП МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ ПЛЕНУМИ

ҚОБУЛ. (ТАСС). Бугун бу ерда Афғонистон Халқ Демократик партияси Марказий Комитетининг кенгайтирилган IX пленуми бўлди.

Пленум ишида АХДП Марказий Комитети бўлимларининг мудирлари ва мудир ўринбосарлари, АХДП вилоят комитетларининг АДР қуролли кучларида, жамоат ташкилотларида агитация ва пропаганда иши учун жавобгар бўлган секретарлари, оммавий ахборот воситаларининг вакиллари қатнашдилар.

Пленумда партиянинг омма ўртасидаги сиёсий ишни кучайтириш соҳасидаги вазифалари муҳокама қилинди. АХДП Марказий Комитетининг Бош секретари, АДР Революцион Кенгашининг Раиси Бабрак Кармал асосий докладни қилди.

Доклад муҳокамаси тамом бўлганидан кейин пленум қатнашчилари қарор қабул қилдилар. Қарорда бундай дейилади: АДР партия ва ҳукматининг сиёсатини, мамлакатда амалга оширилаётган иқтисодий, социал ва маданий ўзгаришларнинг моҳиятини чуқур тушунтириб бериш ва пропаганда қилиш, контрреволюциянинг халққа душман бўлган фаолиятини фош қилиб ташлаш —омма ўртасида олиб бориладиган сиёсий ишнинг асосий мазмунидир.

Партиянинг ўз сафларини жиҳозлаштириши, деб таъкидлаб ўтилади ҳужжатда, аҳоли ўртасида сиёсий ишни кучайтиришнинг энг муҳим шартидир.

Пленум қатнашчилари омма ўртасида сиёсий иш олиб борган пайтда аҳоли турли табақалари ва турли гуруҳларининг ўзига хос хислатлари ва хусусиятларини ҳисобга олиш, мамлакатдаги барча миллат ва қабилаларнинг миллий ҳамда маданий бойликларини авайлаб сақлаш, уларнинг диний эътиқодларини ҳурмат қилиш зарур эканлигини кўрсатдилар. АДР партия ва ҳукумати томонидан эълон қилинган принциплар шуни талаб қилади.

Ҳужжатда АДРдаги оммавий жамоат ташкилотлари— Миллий ватан фронти, касаба союзлари, ёшлар ва хотин-қизлар ташкилотларининг мамлакат сиёсий ҳаётидаги роли ва аҳамиятини ошириш зарур эканлиги уқтириб ўтилади. Шунингдек, барча жамоат ташкилотлари, дейилади қарорда, ўз сафларини доим мустаҳкамлашлари, жангговарлик қобиляятларини чиниқтиришлари лозим.

АХДП Марказий Комитетининг Пленуми партия ташкилотлари шу қарорни бажариш юзасидан муайян бир мақсадни кўзлаган сиёсий ишларни кучайтириб юборадилар, деб қаттиқ ишонч билдирди.

И. Гандининг АҚШга сафари

ДЕҲЛИ. (ТАСС мухбири). Ҳиндистон Бош министри Индира Ганди расмий визит билан АҚШга жўнаб кетди. У АҚШ президенти Р. Рейган билан, давлат секретари Ж. Шульц, Америка конгресси раҳбарлари билан музокаралар олиб боради.

Ҳиндистон матбуотининг уқтириб ўтишича, музокаралар вақтида Америка билан Ҳиндистон ўртасидаги ўзаро муносабатлардан ташқари бир қанча халқаро проблемалар ҳам муҳокама қилинади. Шу проблемаларнинг кўпчилиги хусусида ҳар иккала томон турлича позицияда турибди. Бу проблема, аввало, АҚШ маъмуриятининг халқаро майдонда милитаристик йўл тутганлигидан, Вашингтоннинг жаҳонда, жумладан Ҳинд океани ва Осиё қитъаси зонасида қуроллани ш пойгасини янада кучайтиришга уринаётганлигидан, молиявий-иқтисодий тазйиқ ўтказиш ва АҚШнинг ривожланаётган мамлакатларга нисбатан очиқдан-очиқ камситиш сиёсатини олиб бораётганлигидан иборатдир.

Ҳиндистон Бош министри жўнаб кетиш олдидан матбуот учун мухбир билан қилган суҳбатида АҚШнинг ҳозирги маъмурияти жаҳондаги вазиятнинг мураккаблигини тушунмай ва ядро можароси хавфи инсоният учун энг асосий хавф эканлигини ҳисобга олмай, «дунёни оқ ва қорага» ажратаётганлигидан ўзининг норози эканлигини билдирди. «Р. Рейган ҳукумати қилаётган кўп ишлар Ҳиндистон манфаатларига хилофдир, деди И. Ганди «Ньюсуик» журнали мухбири билан суҳбатда. Масалан, Вашингтон Покистонга энг янги хил қурол-яроғларни, жумладан «Ф—16» қирувчи-бомбардимончи самолётлар юборяпти, регионда қуроллани ш пойгасини кучайтираяпти ва Ҳиндистони ҳарбий мақсадлар учун кўп маблағ ва куч сарфлашга мажбур қилаяпти» деб таъкидлади у.

«Линк» ҳафтаномасининг фикрича И. Ганди шунингдек Исроилнинг Вашингтон ёрдамида Ливанга қарши бошлаган янги агрессияси муносабати билан Яқин Шарқдаги аҳвол масаласида қаттиқ позицияда туради.

Ҳиндистоннинг халқаро майдонда мустақил сиёсат олиб бораётганлиги, Вашингтоннинг советларга қарши йўлидан боришдан қатъий воз кечгандиги Америка ҳукмрон доираларининг жигига тегмоқда. Ҳиндистон матбуоти АҚШ капитали ҳукмронлик қилаётган реконструкция ва ривожланиш халқаро банки ва халқаро валюта фондининг Ҳиндистонга имтиёзли шартлар билан бериладиган кредит миқдорини кескин қисқартирганлигини Ҳиндистонни «жазолашга» қаратилган деб баҳолямоқда. Ҳиндистон мана шу молиявий ташкилотларнинг янги шартларига мувофиқ қаралари учун процент тариқасида шу молия йилида валюта запасларидан қариб 100 миллион доллар сарфлашга мажбурдир. Пресс Траст Оф Индиа агентлиги шу муносабат билан реконструкциялаш ва ривожланиш халқаро банки Пекинга имтиёзли шартлар билан бериладиган карз миқдорини кўпайтирганлигига эътиборни жалб этади. Пекиннинг ташқи сиёсатидаги Советларга қарши йўналиши Вашингтоннинг тутган йўлига тобора мос бўлиб тушмоқда.

В. БАЙДАШИН.

ЛИВАНДАГИ ЖАНГЛАР

БАЙРУТ. (ТАСС). Коронги тушиши билан Исроил авиацияси ерни ёритувчи бомбалардан фойдаланиб, Ғарбий Байрутнинг жанубий чеккаларига ҳужумни яна бошлаб юборди. Аҳоли яшайдиган Фаҳхани, Кола, Раллет ал-Байда районлари ва Фаластин қочоқларининг Сабра лагери яна бомбардимон қилинди. Тинч аҳолидан неча ўнлаб киши ўлдирилди ва жароҳатланди, шаҳардаги кўп биноолар, шу жумладан етим болалар уйининг Фаҳхани районидаги биноси вайрон қилинди. Авиация ҳужумидан кейин қуруқлик ва денгиздан тўпга тутиш бошланди. Бу ҳол тун бўйи давом этди дейиш мумкин. Жанубий Ливандан келган қочоқлар яшовчи кварталлар ўт-аланга ичида қолди. Исроилнинг ҳарбий катерлари тун пайтида соҳилга яқинлашиб келиш учун уриниб кўрдилар. Аммо Фаластин қаршилик ҳаракати ва Ливан миллий-ватанпарвар кучларининг бирлашган отрядлари ўт очиб, бу уринишларни даф қилдилар.

Қўмондонликнинг маълумотларига қараганда, тунда артиллерия ва ракеталардан отиш вақтида Фаластин Озодлик ҳаракати — Ливан миллий-ватанпарвар кучларининг бирлашган отрядлари Байрут атрофидаги Шуэйфатда Исроилнинг мустаҳкам позициясини, шунингдек душманнинг бир неча ҳарбий автомашинасини яксон қилишга муваффақ бўлдилар. Исроил ҳарбий хизматчиларидан ўн киши ўлдирилди ва ўн беш киши жароҳатланди.

Исроил солдатлари Ливан пойтахтининг қамалдаги ғарбий секторига учинчи марта электр қуввати ва сув бермай қўйдилар. Исроил авиацияси ва артиллерияси шаҳарни ўққа тутиш ва бомбардимон қилишни яна тиклаган бир пайтда ана шундай чора кўрилди. Шаҳар олти кундан буён суруниксига бомбардимон қилинмоқда ва ўққа тутилмоқда.

ВАФА агентлиги хабар беради: ватанпарварларнинг душман орқа томонидан ҳаракат қилаётган отрядлари 25 июлдан 26 июлга ўтар кечаси Исроилнинг Бекаа водийси ғарбий қисмидаги позицияларига ҳужум қилдилар. Бу операция натижасида душман анча талафот кўрди.

Ғарбий Байрут теварагидаги вазият жуда кескинлигича қолмоқда. Исроилнинг ҳукмрон сионист доиралари ҳарбий оккупациядан фойдаланиб ва Қўшма Штатларнинг доимий ёрдамига таяниб, кризисли вазиятни янада кескинлаштирмоқдалар. «Исроил ҳукумати — деб таъкидлайди «Таймс» газетаси, қатъий баёнот эълон қилди. Бу баёнотга кўра, Исроилнинг кузатган мақсади эндиликда Фаластин Озодлик ташкилотини Байрутдан ва Ливандан чиқариб юбориш билан чекланмай, бу ташкилотни сиёсий бирлик сифатида ҳам тугатишдир».

Би-Би-Си телекомпанияси ҳам қуйидагиларни таъкидлаб ўтади: «Исроил кабинети Ғарбий Байрутга ёпирилиб ҳужум бошлашга розилик биллирди. Исроилнинг расмий кишилари буни рад этмаётирлар».

Шу билан бирга Ливанда қўплан буён давом этаётган ҳарбий авантюра ва исроилликларнинг кўп талафот кўрганлиги Ливандаги урушни учун сафарбар қилинганлар ўртасидагина эмас, бошқалар орасида ҳам норозилик туғдирмоқда. Юқори команда составы орасида ҳам норозилик билдирувчилар пайдо бўлиб қолди. Хабар беришларича, Ливандаги Исроил бригадасининг командири Эли Гева Ливан территориясидаги уруш ҳаракатларининг характери тўғрисида эндиликда «ўз-ўзимни аллаҳ олмайман», деб истеъфо берди.

Миср президентининг айтганлари

ҚОҲИРА. (ТАСС). Миср президенти Х. Муборак бу ерда Мисрдаги Июль революциясининг ўттиз йиллигига бағишланган тантанали мажлисда нутқ сўзлади.

Муборак Ливандаги воқеаларга тўхталиб, Исроил томонидан Ливан ва Фаластин халқларига қарши бошланган агрессияни қоралади ва бу агрессияни «тинчлик руҳини бузиш ва уруш концепцияларига ҳамда зўравонлик методикига қайтиш» деб таърифлади. Аммо «Афсуслашга арзийдиган бу ҳаракатлар,» деб таъкидлади у, «Миснинг тинч ҳаёнини давом эттириш ниятларини заифлаштирмайди». Муборак айтдики, Исроил қўшинлари ҳеч қандай шарт қўймай Ливан территориясидан дарҳол чиқиб кетишлари керак. Миср Ливанни бўлиб олиш йўлидаги ҳар қандай уринишларга қарши, шунингдек бу мамлакатда жамоалар ўртасидаги курашни қайтадан тиклаш ва бошқа ижтимоий-сиёсий кучлар ҳисобига муайян гуруҳнинг ҳукмронлигини уларга мажбуран қабул қилдириш йўлидаги уринишларга қарши чиқади. Миср ҳеч қандай камситишга йўл қўймай, бутун Ливан халқи билан иттифоқчи бўлиб майдонга чиқади. Тангликни бартараф қилиш йўлидаги қадам сифатида Фаластин озодлик ташкилоти раҳбарлари ва жангчиларини ўз территориясига қабул қилишни сўраб, Миср муроожаат қилган эдилар, деди Муборак. Аммо Қоҳира бу ғояни рад этди ва бу масала Ливаннинг қонуний маъмурлари билан Фаластин раҳбарлари ўртасидагина муҳокама қилиниши лозим, деб таъкидлади.

Фаластин халқи, деб уқтириб ўтди Муборак, оккупацияни рад этиш ва унга қарши ҳар қандай қонуний воситалар билан кураш олиб бориш, халқаро қонунчилик доирасида ўзининг миллий ҳуқуқларини тиклашга интилиш ҳуқуқига эгадир. Миснинг фикрича, Исроил билан фаластинликларнинг ўзаро бир-бирини таниши шу мақсадга эришишнинг мақбул йўлидир. Шу билан бирга Исроил фаластин халқининг ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқини тан олиши, бунинг эвазига Фаластин Озодлик ташкилоти Исроилнинг яшаш ҳуқуқларини эътироф этиши керак.

ИСПАНИЯНИНГ ИЧКИ СИЁСИЙ АҲВОЛИ

МАДРИД. (ТАСС). Испаниянинг ҳукмрон демократик марказ иттифоқи партиясидаги ихтилофлар билан боғланган ички сиёсий аҳволи ғоят мураккаблигича қолмоқда. Испания пойтахтида парламентни тарқатиб юбориш ва муддатидан илгари ялпи сайлов ўтказиш эҳтимоли борлиги тўғрисида очиқ дан-очиқ гапирмоқдалар.

Испания социалистик ишчи партияси федерал комитетининг пленуми тамом бўлганидан кейин ўтказилган матбуот конференциясида бу партиянинг раҳбари Ф. Гонсалес сўзга чиқиб, дангал шу гапларни айтди: ёзги канникуль тамом бўлганидан кейин «парламентнинг ишлай олишига ҳалақит берадиган жиддий ғовлар бор». Бу ҳол, деди у, парламентда ҳукмрон партиянинг барқарор кўпчиликкка эга эмаслиги ва қонунларни қабул қилдира олмаслиги, хусусан бюджетни тасдиқлай олмаслиги билан боғланган. Депутатлар конгресси куз фаслида аввало, шу проблема билан шуғулланади.

Матбуотнинг хабар беришича, Испания социалистик ишчи партияси федерал комитетининг пленумида сайловолди шиорлари муҳокама қилинган, сайлов комиссияси тузилган. Бу комиссия сайлов вақтида Испания социалистик ишчи партиясидан кўрсатиладиган номзодларнинг рўйхатларини тузиб чиқади.

Шу билан бирга ҳукмрон партия қарорғоҳида ана шу сиёсий ташкилотни узил-кесил тарқатиб кетишдан қутқазиш соҳасида қизғин иш олиб борилмоқда. Ҳукматда ва демократик марказ иттифоқи раҳбарлигида ходимларни ўзгартиришга тайёргарлик кўрилаётганлиги тўғрисида хабар берилади.

Кейинги вақтларда неча ўнлаб депутат демократик марказ иттифоқининг парламент фракциясидан чиқиб кетди. Улар учта янги сиёсий партия туздилар. Жумладан, шу партиялардан иккитаси —халқ-демократик партияси ва либерал-демократик партиянинг таъсис ассамблеялари яқинда бўлиб ўтди. Кузатувчилар бундай ҳаракатларга ўнг кучларнинг демократик марказ иттифоқининг барбод бўлган сиёсатидан юз ўгириш ва сайлов вақтида социалистик партиянинг ғалабасига халақит бера оладиган ўнг кучлар сайловолди блокини тайёрлаш йўлидаги уриниши деб баҳо бермоқдалар. Демократик марказ Иттифоқи Испаниянинг мураккаб социал-иқтисодий проблемаларини ҳал этишга қодир бўлмай қолди. У халққа мажбур бўлмаган ва АҚШ ҳамда НАТО мамлакатларига бўйсунишга қаратилган ташқи сиёсатни ўтказиб келмоқда.

ФРАНЦИЯ. Париж яқинидаги Мон-Валерьен тоғида иккинчи жаҳон уруши йилларида халоқ бўлган француз ватанпарварларига бағишланиб ўрнатилган улуғвор ёдгорлик ёнига ҳар йили собиқ фронтчилар, Қаршилик қўрсатиш ҳаракатининг қатнашчилари тўпланадилар. Бу ёдгорлик фашистларга қарши курашган минглаб ватанпарварлар отиб ташланган жойда қад кўтарган.

Суратда: ёдгорлик ёнидаги тантанали маросим пайти.

ТАСС фотоси.

ҒАЗАБ БИЛАН ҚОРАЛАМОҚДАЛАР

Ўзбекистонда ўтаётган кўп кишилик митингларнинг қатнашчилари Ливанга ваҳшиёна бостириб кириш дарҳол тўхтатилсин, агрессорнинг қўшинлари босиб олинган ерлардан олиб чиқиб кетилсин!, деб якдиллик билан талаб қилмоқдалар.

Бутуниттифоқ «Союзузбекгазпром» саноат бирлашмаси коллективида 27 июль куни бўлиб ўтган митинг Исроилнинг Ливандаги қароқчилигига қарши ғазабли норозиликка айланиб кетди.

— Американинг империалистлар рағбатлантираётган сионист бошлиқлар Фаластин ва Ливан ватанпарварларига жабр-зулм ўтказишни давом эттирмоқдалар, —деди инженер М. Қурбонов.— араб халқлари учун фожиали бўлган шу кунларда АҚШ маъмурияти ўзини халқаро террорчиларнинг энг принципсиз гумаштаси эканлигини барча софдил кишилар кўз ўнгида кўрсатди. Вашингтон вакилларининг инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги сафсаталари замирида нималар яширинганига эндиликда бутун дунё ишонч ҳосил қилди. Минглаб фаластинликлар билан ливанликларнинг қони ва кўз ёши уларнинг айби билан тўкилмоқда.

Митингда қабул қилинган резолюцияда Яқин Шарқ танглигини тинч йўл билан бартараф этиш юзасидан ўртоқ Л. И. Брежневнинг таклифлари астойдил қўллаб-қувватланади.

* * *

— Ливан тупроғида содир бўлаётган фожиали воқеалар барча совет кишиларининг қалбларида аламли акс садо бермоқда, — деди Хива гилам комбинатида бўлиб ўтган норозилик митингида ишчи Д. Абдуллаева. — Фаластин халқини ҳеч қандай ваҳшийликлар билан ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқидан воз кечишга мажбур этиш мумкин эмаслигини Исроил ҳукумати наҳотки тушунмаётган бўлса!

Митинг қатнашчилари жаҳон жамоатчилигини Исроил агрессорларининг Фаластин ва Ливан ватанпарварларига қарши жиноий ҳаракатларига чек қўйишга даъват этдилар.

* * *

— Ливандаги ҳунрезлик бутун халқаро вазиятда жиддий кескинликни вужудга келтирди, — деди Қарши мотор ремонт заводида ўтказилган митингда слесарь С. Ботирова ўз ўртоқлари номидан. Митинг қатнашчилари ўртоқ Л. И. Брежнев Яқин Шарқда тинчлик ўрнатиш юзасидан таклиф этган тадбирларни батамом маъқуллладилар ва Исроил қўшинлари Ливандан дарҳол олиб чиқиб кетилишини талаб қилдилар.

(ЎзТАГ).

* * *

Урганч шаҳри йилдан-йилга гўзаллашиб бормоқда. | Суратда: Урганчнинг янги темир йўл вокзали. | К. Отаев фотоси. (ЎзТАГ).

АХБОРОТ

ЖАЖЖИЛАР МАСКАНИ

«Госкомсельхозтехника» район бирлашмаси ишчи-хизматчилари ва инженер-техник ходимларининг фарзандлари янги типда қурилган боғча-яслида тарбияланишмоқда. 90 ўринга мўлжалланган бу боғча ўзининг чиройли безаклари билан Жомбой шаҳри ҳуснига-ҳусн қўшди.

ЯНГИ ШИФОХОНА

Район марказида 240 ўринли касалхона фойдаланишга топширилди. Барча қулайликларга эга бўлган бу йирик объектни «Самарқандсельстрой»нинг Жомбойдаги 1-ва 5-механизациялашган кўчма колонна бунёдкорлари қуриб беришди.

Р. ИНОЯТОВ.
Жомбой райони.

«ЧАМАН» ҒУНЧАЛАРИ

Қўшиқ янграйди. Бевосита пахта далаларида, деҳқонлар, чорвадорлар ҳузурида, қишлоқ клубларида... Дилрабо куй-қўшиқ шўх рақсга уланиб кетади. Ширали, сеҳрли оҳанглар яшил қишлоқ узра олис-олисларга қанот ёзади.

Бу — «Чаман» қўшиқлари. Ансамблни фақат Ленин номли колхоздагина эмас, балки бутун Каттақўрғон районида ардоқлашади, концертини томоша қилишга ошиқишади. Колхоздаги кеча ва анжуманлар, байрам шодиёналари мазкур ансамбль иштирокисиз ўтмайди. Иккинчи истеъдод эгалари район миқёсидаги катта тантаналарга ҳам вақти-вақтида таклиф этиб турилади.

«Чаман»нинг эл оғзига тушганига атиги икки йил бўлди. Аввалари ўн-ўн беш нафар қатнашчидан иборат бўлган кичик коллектив қишлоқ меҳнат аҳлига баҳоли қудрат хизмат кўрсатар, парвозлари ончалик баланд эмасди. Орадан муайян вақт ўтди. Бора-бора бригадалардан санъатга ихлосманд йигит-қизлар қидириб топилди ва ансамблга жалб этилди. Ранг-баранг номерлардан ташкил топган қизиқарли концерт программаси устида жиддий иш олиб борилди.

Изланиш зое кетмади. Репертуар хилма-хил замонавий куй-қўшиқлар ҳисобига бойитилиб, ансамбль йириклаштирилди. Эндиликда у камол топмоқда. Хонанда, созанда ва рақкосалар маҳорати ҳам тобора ошиб бормоқда. Ўзбек классик ҳамда замонавий қўшиқ ва рақслари билан бирга қардош республикалар, ҳорижий мамлакатлар халқлари куй-қўшиқлари ҳам бугунги кунда ансамбль репертуаридан кенг ўрин олаётир. Малоҳат Қурбонова, Қўчқор Донаев, Мусфира Сайдалиева, Насриддин Сирожиддинов, Замира Абдуллаева ва бошқа санъаткор ёшлар ижросидаги тароналар дала меҳнаткашларига манзур бўляпти. Ижодий изланиш туфайли ансамбль район ва область миқёсидаги кўрик ҳамда фестивалларнинг доимий иштирокчисига айланди.

Колхоз раиси, республикада хизмат кўрсатган пахтакор Муяссар Шодиев билан суҳбатимиз «Чаман» тўғрисида борди.

— Ҳар қандай хайрли ишга эътибор керак экан, — деди раис. — Колхозимизда. Хўжалик ўтган 1981 йил якунларига кўра КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСЦС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроғига сазовор бўлди.

Ҳа, уларга қўшиқ яраша-ди. Ҳалол пешана тери тўкиб, ҳар соҳада зафар қучаётган мўл-кўлчилик бунёдкорлари қўшиқ айтсалар, арзийди. Колхоз ёшлари шундай қиляптилар. Қўшиқ хўжалик деҳқонларини янги меҳнат зафарлари сари ундаётир.

Юксак турмуш маданияти учун

дан Островский номли Тошкент театр ва рассомчилик институтига ўқишга бориб, уни битириб келган ёшларимизни ансамблга ишга жалб қилдик. Тўрақул Равшанов — маданият ўйининг директори. Абдуғаффор Худойбердиев — музика раҳбари, Ҳадича Шарипова балетмейстер ва Сора Завқиева коллективнинг бадиий раҳбари этиб тайинланишди. Ҳаммамиз ҳам «Чаман» билан фахрланамиз. У янада камол топиб, элга ҳалол хизмат қилсин, дейиз. Зарур бўлса, ёрдам берямиз. Ўтган йили ансамбль қатнашчилари учун 35 минг сўмлик кийим-кечак сотиб олдик. Ихтиёрига махсус автобус ажратганмиз.

Колхоз йирик, сертармоқ хўжаликлардан. 2740 гектар майдонда пахта етиштирилиб, гектар бошига йил сайин 40—45 центнердан ҳосил кўтарилмоқда. Қишлоқ хўжалигининг бошқа тармоқларида ҳам юқори натижаларга эришилмоқда. Даромад ҳам шунга яраша. Йилига ўртача 8—9 миллион сўм миқдорида даромад олинмоқда. Ҳўжалик раиси Ҳамро Ҳамроев, Ҳамро Ҳамроев, Ҳамро Ҳамроев,